

1.3 Бош каналнинг салт қисмини лойиҳалаш.

1. Бош каналнинг ишчи қисми учун Б нуқтадаги зарур сув сатҳи Баландлигини (H_B^1) аниқланади.

$$H_B^1 = H_B + \Delta h, \text{ м} \quad (18)$$

бу ерда: H_B – Б нуқтадаги ер сатҳи баландлиги;

Δh -БК нинг ишчи қисми учун сув сатҳининг ер сатҳидан юқори бўлиши учун таъминланиши керак бўлган баландлиги $\Delta h=0,4-0,5$ м қабул қилинади.

2. Бош каналнинг дарёга чиқиш жойидаги В нуқта сув сатҳи баландлиги ҳисобланади

$$H_B^1 = H_B^1 + L_{\text{салт}} \cdot J_K \text{ м} \quad (19)$$

бу ерда: $L_{\text{салт}}$ – БК нинг салт қисми узунлиги (Б нуқтадан В нуқтагача бўлган масофа); м
 J_K – БК нинг салт қисми нишаблиги (1.1-жадвал 11 гр (J_K) учун).

3. Дарёнинг В нуқтасидаги гидрометриқ створдаги сув сатҳи баландлиги аниқланади.

$$H_B^{11} = H_{\text{ОСТВ}} \pm L^{B-H} \cdot J_d \text{ м} \quad (20)$$

Агарда $H_{\text{ОСТВ}}$ – гидрометриқ створ В нуқтадан баланд бўлса формулага (-) қўйиб ҳисобланади.

Агарда $H_{\text{ОСТВ}}$ – гидрометриқ створ В нуқтадан паст бўлса формулага (+) қўйиб ҳисобланади.

бу ерда: $H_{\text{ОСТВ}}$ – дарёнинг берилган ($H_{\text{ОСТВ}}$) гидрометриқ створидаги сув сатҳи баландлиги (топшириқдан олинади)

$L^{B-H_{\text{ОСТВ}}}$ – дарё бўйлаб берилган (В) ва ($H_{\text{ОСТВ}}$) лардаги гидрометриқ створлар орасидаги масофа (м) (линейкада ўлчаб қўйилади)

J_d - дарёнинг сув сатҳи бўйича ўртача нишаблиги, у топшириқ шартига кўра ер сатҳи ўртача нишаблигига тенг деб олинади.

$$J_d = \frac{\nabla h_B - \nabla h_{\text{стве}}}{\ell_d} \quad (21)$$

бу ерда: Δh_B – В нуқтадаги ер юзасининг баландлиги;

$\nabla h_{\text{стве}}$ – гидрометриқ створдаги ер юзасини баландлиги;

$\ell_d = \nabla h_g - \nabla h_{\text{стве}}$ лар орасидаги масофа.

4. Дарёдан бош каналга қуйидаги шарт бажарилганда В нуқта сув олиш жойи деб қабул қилинади.

$$1\text{-Шарт.} \quad H_B^{11} \geq H_B^1 + Z + \Delta h_T \text{ м} \quad (22)$$

бу ерда: Z - дарёдан сув олиш бош каналдаги бош иншоотга сув оқиб кираётганда сув босим йўқолиши (0,2-0,3м) қабул қилинади.

Δh_T – бош канал меъёрий сув сатҳидан тезлаштирилган сув сатҳи баландлиги (0,2-0,3м) қабул қилинади.

2-Шарт. Акс ҳолда, яъни $H_B^{11} \geq H_B^1 + J + \Delta h_T$ бўлганда бош каналга тўғонсиз сув олиш шартини бажариш учун В сув олиш жойи дарё бўйлаб янги (С) жойга, яъни (G) масофа юқорига қўчирилади.

$$\nabla Z_C = \frac{H_B^1 - H_B^{11} + Z + \nabla h_T}{J_d - J_{\text{салт}}} \quad (23)$$

5. Сув олиш С нуқтада белгиланган БК салт қисмининг дастлабки узунлиги ва қўшимча узунлиги биргаликда салт қисм узунлиги деб олинади ва шу қисмдан сув исрофи ва БК га дарёдан олинандиган брутто сув сарфи 4-жадвалга ёзилади.

6. БК нинг брутто узунлиги бўйича пикетлаш ўтказилади. Планада ХАТ ларнинг сув олиш нуқталари пикетлари кўрсатилади.

Пикетлар ўтказилгач 1.1, 2, 3, 4-жадвалларнинг пикет устунлари тўлдирилади.